

## НИЗОНИ СУДГАЧА ҲАЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТИ ВА УСУЛЛАРИ

“Ziraat Bank Uzbekistan” АЖ кредит шартномаси юзасидан низоли вазият ёки қарздорлик вужудга келган тақдирда, низони судгача ҳал қилиш (ёзма равишда талабнома юбориш ёки музокаралар ўтказиш) тартибига қатъий риоя этади.

Банк, кредит шартномаси юзасидан низоли вазият ёки қарздорлик вужудга келган тақдирда, низони ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиш чораларини кўради. Бунда Банк истеъмолчига талабнома ёзиш ишларини олиб бориши лозим. Талабнома истеъмолчи билан шартномада келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш усулларидан, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан, шахсан мижозга (вакилига) тилхат олиш асосида ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб топширилади.

Талабнома, муддати ўтказиб юборилган қарздорлик суммаси кўрсатган ҳолда, истеъмолчи (вакили)га, шунингдек кафилга ва гаровга қўювчига юборилади.

Муддати ўтказиб юборилган қарздорлик суммаси тўланмаган тақдирда, уни ундириш ва гаров мулкига қаратиш юзасидан судга даъво талаблари билан мурожаат қилинади.